

## “БАДАНГА ТАН ЖАРОҲАТИ ЕТКАЗИШ” БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА МАХСУС БИЛИМЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

**Ибадова Анжелика Исматуллоевна**

*Самарқанд вилояти Ички Ишлар Бошқармаси ҳузуридаги Тергов Бошқармаси ўта  
муҳим ишлар бўйича терговчиси, подполковник*

**Аннотация:** *Баданга тан жароҳати етказиш билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш жараёнида терговчи томонидан фан-техника ва махсус билимлардан фойдаланиш, дастлабки тергов давомида судга оид экспертиза турлари имкониятларидан кенг қўламда фойдаланиб ҳақиқатни аниқлаш, далилларни олиш, текишириш ва мустаҳкамлаш, жиноятларни тергов қилиш ва фош этишида экспертиза хулосаларини аҳамияти.*

**Калит сўзлар:** *жазо муқарраллиги, жиноятлар статистикаси, суд тиббий экспертиза маркази, тан жароҳати етказиш, суд тиббий экспертиза тайинлаш қарори, суд тиббий экспертизанинг мажбурийлиги, экспертиза турлари, экспертиза ўтказиш муддати, экспертиза хулосаси, экспертиза хулосасида аниқланадиган тиббий мезонлар, далилларни баҳолаш, жиноят предметлари, экспертиза хулосасини далилий аҳамияти.*

Мамлакатимизда тергов фаолиятида «**Инсон кадри учун**» деган эзгу ғояни тўлиқ рўёбга чиқариш, жиноятларни ўз вақтида фош этишни ташкил этиш тергов органларининг фаолиятини қонун устуворлигини ва қилмиш учун жазо муқаррарлигини таъминлаш тамойили асосида такомиллаштиришнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасида “Инсон шаъни ва кадр-қиммати дахлсиздир, ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмас. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон кадр-қимматини камситувчи муомилага ёхуд жазога дучор этилиши мумкин эмас, ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ва илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас” деб қатъий белгиланган<sup>1</sup>.

Юртимизда суд-ҳуқуқ ислохотлари тизимида дастлабки тергов босқичида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашга қаратилган бир қатор ижобий ўзгаришлар амалга оширилди.

Тергов тизимида дастлабки терговни олиб боришда Ўзбекистон Республикаси Жиноят Процессуал қонунчилик нормалари ҳамда жаҳон тажрибаси андозаларидан фойдаланиш, жиноятларни тергов қилишда илғор тажриба ва махсус билимлардан фойдаланилмоқда.

<sup>1</sup> 30.04.2024 йил. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддаси.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 2-бобида “Соғлиққа қарши жиноятлар” турлари мавжуд бўлиб, **104** (қасддан баданга оғир шикаст етказиш), **105** (қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш), **109** (қасддан баданга енгил шикаст етказиш) ва бошқа баданга тан жароҳати етказилиши билан боғлиқ жиноят нормалари мавжуд<sup>2</sup>.

Баданга тан жароҳати етказиш жиноятлари таҳлил қилинганда, салмоғи юқори бўлиб, оғир ва ўта оғир турдаги жиноятларни келтириб чиқариши мумкин бўлган ижтимоий хавфли қилмиш ҳисобланади.

Бу турдаги жиноятлар, Республика миқёсида таҳлил қилинганда, биргина оғир тан жароҳати етказиш **2020 йилда** 1076 та, **2021 йилда** 1319 та, **2022 йилда** 1223 та, **2023 йилда** 1080 та ва **2024 йилнинг 3 ойида** **126 тани** ташкил қилиб, бу турдаги жиноят ортиб бориб, жамиятда фуқароларнинг фаровон турмуш тарзига салбий таъсирини кўрсатмасидан ўтмайди дейолмаймиз<sup>3</sup>.

Баданга тан жароҳати етказиш билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишда шахснинг баданига етказилган тан жароҳатининг оғирлик даражаси, меҳнат қобилиятининг йўқолиши, инсон тана қисмлари фаолиятини доимий ёки қисман йўқотилиши каби тиббий мезонларга асосланиб бу турдаги жиноятларни содир қилган шахсларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо берилади.

Шундай экан, ушбу турдаги жиноятларни тергов қилишда албатта суд тиббий экспертизанинг махсус билимларидан фойдаланиш зуруратини келтириб чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 173-моддасида злимнинг сабабини, етказилган тан жароҳатларининг хусусияти ва оғирлик даражасини аниқлашда албатта суд тиббий экспертизаси ўтказилиши шартлиги белгилаб берилган.<sup>4</sup>

Тергов давомида шахснинг баданига етказилган тан жароҳатларининг ёки бошқа тиббий мезоналарга аниқлик киритишда терговчи ёки суриштирувчи томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Процессуал Кодексининг 180-моддасига асосан қарор чиқарилиб, суд тиббий соҳасида махсус билимга эга бўлган давлат эксперти олдида экспертиза тайинлаш қарорида шахснинг баданига етказилган тан жароҳатининг хусусиятлари, оғирлик даражаси, жароҳатларнинг етказилиш механизминини аниқлаш, жароҳатлар қандай предметлар ёки совуқ қуроллар билан етказилганлиги ва бошқа иш ҳолатларидан келиб чиқиб саволлар қуйилади.

Суд экспертизасини ўтказиш муддатлари суд экспертизасининг мураккаблиги ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўттиз кун доирасида белгиланади.

Экспертиза муассасаси раҳбари, унинг ўринбосари, лаборатория, бўлим ва бўлинма бошлиғи томонидан суд экспертизасининг ҳажми ва мураккаблигига, шунингдек, суд экспертнинг иш ҳажмига қараб:

<sup>2</sup> 22.09.1994 йил. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 2-боби.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҲС ва ТММнинг 2020-2024 йиллар “Жиноятчилик ҳисоботи” статистикаси маълумотлари.

<sup>4</sup> 22.09.1994 йил. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Процессуал Кодексининг 22-боби, 173-модда.

кам объектли ва мураккаб бўлмаган текширув ўтказишга доир материаллар бўйича ўн кунгача;

кўп объектли ёки мураккаб текширувлар ўтказишга доир материаллар бўйича йигирма кунгача;

кўп объектли ва мураккаб текширувлар ўтказишга доир материаллар бўйича ўттиз кунгача бўлган муддатларни белгилаши мумкин.

Суд экспертизасини ўтказишни ўттиз кун мобайнида бажариш мумкин бўлмаган тақдирда экспертиза муассасаси раҳбари муддат ўтишидан уч кун олдин асосланган хулоса тузади ва бу тўғрида суд экспертизасини тайинлаган органга (шахсга) ёзма равишда хабар қилади ҳамда улар билан келишган ҳолда қўшимча муддатни белгилайди.

Агар суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс) билан келишган ҳолда суд экспертизасини ўтказиш учун қўшимча муддатни белгилашнинг имкони бўлмаса, суд экспертизаси ўтказилмаслиги сабаблари кўрсатилиб, материаллар суд экспертизасини тайинлаган органга (шахсга) қайтарилади.<sup>5</sup>

Бу турдаги жиноятларни тергов қилишда бир нечта экспертиза турларидан фойдаланилади, зеро экспертиза хулосалари ҳақиқатни аниқлаш ва жазо муқаррарлигини таъминлашда ёзма далиллардан ҳисобланади.

Республика суд тиббий экспертиза илмий амалий Маркази ва унинг филиаллари суд тиббий экспертлари томонидан суд тиббий экспертизалари ўтказилади.

Баданга тан жароҳати ектазиш билан боғлиқ жиноятларини тергов қилишда:

-тан жароҳатларининг характери ва оғирлик даражаси, ёш, жинсий ҳолат ва суд тиббиёти соҳасидаги махсус билимларни талаб этадиган бошқа масалаларни ҳал этиш учун тирик шахслар экспертизаси;

-зўраки ўлим, зўрлик ишлатилганига шубҳа бўлган ёки суд-тиббиёт текширув заруратини юзага келтирадиган бошқа ҳолатларда мурдалар экспертизаси;

-ашёвий далиллар ва биологик объектлар экспертизаси (тиббий-криминалистик экспертиза, суд-биологик экспертиза, суд-гистологик экспертиза, суд-кимё экспертизаси, суд-цитологик экспертиза, кимё-токсикологик экспертизаси, биокимёвий экспертиза, генетик экспертиза ва спектрографик экспертиза ва бошқа турдаги экспертизалар ўтказилади<sup>6</sup>.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2011 йил 25 июлдаги 227-сон [буйруғига](#) илова “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг суд-тиббий экспертиза муассасаларида суд-тиббиёт экспертизаларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома”нинг 2-моддаси. Экспертиза турлари.

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2011 йил 25 июлдаги 227-сон [буйруғига](#) илова “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг суд-тиббий экспертиза муассасаларида суд-тиббиёт экспертизаларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома”нинг 2-моддаси. Экспертиза турлари.

Баданга тан жароҳати етказиш билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишда бу турдаги экспертиза текширувларини ўтказмасдан туриб дастлабки терговни тўла, холисона ва ҳар томонлама бўлишини таъминлаш иложи йўқ албатта.

Терговчи томонидан бу турдаги жиноятларни тергов қилишда ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда шахснинг баданига тан жароҳати етказишда фойдаланилган совуқ қуроли, предматлар ва бошқа нарсалар ҳамда биологик объектлар (қон, сўлак ва б.к) ашёвий далил тариқасида олиш ва кечиктириб бўлмас экспертизаларни тайинлаш, келгусида жиноятларни фош қилиш ва тергов қилишда муҳим аҳамия касб этади.

Дастлабки тергов давомида, шахснинг баданига етказилган тан жароҳатга нисбатан тайинланадиган суд тиббий экспертиза турларидан бошқа экспертиза турлари ҳам мавжудлигига ҳам тўхтатилиб ўтиш зарур бўлади.

Бу каби далилларни олиш, текшириш ва мустаҳкамлашда Республика Х.Сулаймонова номидаги Республикаси экспертиза маркази томонидан ўтказиладиган суд хатшунослик экспертизаси, ҳужжатларнинг техникавий-криминалистик экспертизаси, суд-сиёсатшунослик-лингвистик экспертизаси, суд-филологик экспертизаси, изшунослик экспертизаси, йўқ қилинган маркировка белгиларини тиклаш экспертизаси, суд баллистик экспертизаси, портловчи моддалар экспертизаси, материаллар, ашёлар ва буюмлар криминалистик экспертизаси, шу жумладан, толали материаллар ва улардан тайёрланган буюмлар экспертизаси, лок-бўёқ материаллар ва қопламалар экспертизаси, нефть маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материаллари экспертизаси, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар экспертизаси, дори-дармонлар экспертизаси, таркибида спирт бўлган суюқликлар экспертизаси, металлар, қотишмалар ва улардан тайёрланган буюмлар экспертизаси, шишалар ва улардан тайёрланган буюмлар экспертизаси, пластмасса, резина ва улардан тайёрланган буюмлар экспертизаси, елимли материаллар экспертизаси, махсус кукунлар ва махсус маркерлар экспертизаси, бошқа объектлар, улар ичида табиати ноаниқ бўлган моддаларнинг криминалистик экспертизаси, суд тупроқшунослик экспертизаси, озиқ-овқат маҳсулотларининг экспертизаси, суд-биологик экспертизаси, одам ДНКнинг суд-биологик экспертизаси, суд-экологик экспертизаси, суд-автотехника экспертизаси, транспорт-изшунослик экспертизаси, транспорт воситаларини ва уларнинг қисмларини баҳолаш экспертизаси, ёнғин-техникавий экспертиза, суд-иқтисодий экспертиза, суд-товаршунослик экспертизаси, суд қурилиш-техникавий экспертизаси, суд-ер экспертизаси, суд видеофонография экспертизаси, озиқ-овқатлар экспертизаси, суд электротехникавий экспертизаси, суд компьютер-техникавий экспертизаси, суд психология экспертизаси, суд автомобиль

йўллар экспертизаси каби экспертиза турлари ҳам жиноят иши ҳолатидан келиб чиқиб терговчи томонидан тайинланиши мумкин.<sup>7</sup>

Бундан ташқари, бирор соҳага оид маълумотлар бўйича махсус билимга эга бўлган касб эгалари мутахассис сифатида ҳам иштирок этирилиши мумкин, бунга кўра ушбу мутахассислар экспертиза ҳулосаси эмас, балки иш учун аҳамиятли бўлган мутахассис фикрини тақдим қилишади.

Сўз ўрнида айтиш керакки, жиноятларни тергов қилишда махсус билимлардан фойдаланиш дастлабки терговда далилларни аниқлаш, уларни олиш, текшириш ва мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2011 йил 25 июлдаги 227-сон буйруғига илова “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг суд-тиббий экспертиза муассасаларида суд-тиббий экспертизаларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома”нинг 2-моддаси. Экспертиза турлари.

2. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 02.03.2011 йилдаги 53-мх-сон буйруғига илова “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг суд экспертиза муассасаларида суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома”нинг 2-моддаси. Экспертиза турлари.

3. 30.04.2024 йил. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддаси.

4. 22.09.1994 йил. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 2-боби.

5. Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҲС ва ТММнинг 2020-2024 йиллар “Жиноятчилик ҳисоботи” статистикаси маълумотлари.

6. 22.09.1994 йил. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Процессуал Кодексининг 22-боби, 173-модда.

---

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 02.03.2011 йилдаги 53-мх-сон [буйруғига](#) илова “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг суд экспертиза муассасаларида суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома”нинг 2-моддаси. Экспертиза турлари.